

Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди



Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ZOOM платформаси орқали онлайн ташкил этилди. Йиғилишда туман Кенгаши депутатлари, алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда котибият мутахассислари иштирок этишди.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Унда Термиз туман ҳоками биринчи ўринбосари Шухрат Қаландаров ва Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи Бекзод Холмуратовларнинг ҳисоботлари тингланди.